

Вухоронота

Gazeta 1920-yil sentabrdan chiqarib boshlagan.

2023-yil 20-noyabr, dushanba * № 93 (22.597)

Web-site: www.buxoronoma.uz

E-mail: buxoronomagazeta@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш сиёсатини давом эттириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб:

бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдори **7 фоизга**;
базавий ҳисоблаш миқдори **3 фоизга** оширилсин.

2. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — ойига **1 050 000 сўм**;
базавий ҳисоблаш миқдори — ойига **340 000 сўм**;

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига **372 000 сўм**;

ёшга доир энг кам пенсия миқдори — ойига **725 000 сўм**;

ногиронлик пенсиялари, жумладан, иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори — ойига **800 000 сўм**;

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори — ойига **800 000 сўм**;

1941–1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбустлари ва Ленинград шахри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда — ойига **3 527 000 сўм**;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (725 000 сўмдан) 800 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир

пенсиялари миқдори — ойига **800 000 сўм**;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори — ойига **608 000 сўм**;

иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори кўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига **608 000 сўм**;

ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вақилига бериладиган нафақа миқдори — ойига **608 000 сўм**;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори — ойига **608 000 сўм** этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун — **212 000 сўмдан кўшилсин**;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори — ойига **608 000 сўм** этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун **амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин**.

3. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар ва нафақалар миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

4. Иш бевуриларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни

таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларида кўшимча қувватларнинг яратилиши, ўқувчилар сонини ҳамда бирламчи тиббиёт муассасалари сонининг орттириши натижасида кўшимча штат бирликлари киритилиши ҳисобига иш ҳақи харажатлари учун талаб этиладиган кўшимча маблағларнинг Давлат бюджетидан ажратилишини таъминласин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги: Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутиладиган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришларни ва кўшимчаларни тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров белгилансин.

Фармон ижросини муҳофаза қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 17 ноябрь

“Megacluster” МЧЖ чорва моллари учун янги ҳақ тўлашнинг дағал ҳақшак, беда, янтоқ, ширага қон чорва озукаси — кунжара, уч хил турдаги дон маҳсулотлари, чигит шрот ва бошқа кўшимчалардан иборат, гранула кўринишидаги омикта ем ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Самандаров. — Тўйимли ва экологик тоза бундай чорва озукаси қорамол учун ҳам хушхўр, ҳам тез семиртириш, маҳсулдорлигини ошириш хусусиятига эгалиги билан бирга охирда исроф бўлмайди. Молбоқарлар табири

Қоракўлда гидропоника усулида чорва озукаси тайёрланяпти



Мазкур лойиҳа билан таълим мақсадида виллоят ҳокими Ботир Зарипов қоракўлда бўлди.

Бу ерда алоҳида бинада донни намлатиб, гидропоника усулида кўк озукани етиштириш учун шароит яратилганлигини кўриш мумкин. Аён бўлишича, гидропоника асосида чорва моллари учун кўк масса ишлаб чиқаришнинг афзаллиги ҳақида кўп экан. Аввало, бунда кўп миқдордаги меҳнат ва моддий ресурслар тежалмайди. Илгари чорва озукаси етиштириш билан банд бўлган майдонларга бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинларини экиш имконияти юзга келади. Қолаверса, гидропоника усулидаги технология ички бозорда чорва

озукасининг таннархини арзонлаштиради.

Интенсив гидропоника усулида озукани маҳсулотлари етиштиришда 1 килограмм “яшил озукани” етиштириб берилмоқда. Бунда махсус жиҳозлаган хоналарда бўғдой ўстирилади. 7 кун давомида томирдан сув берган ҳолда парвартишланади ҳамда тайёр маҳсулот белгиланган маъёрлар асосида чорва молларига берилди.

— Қоракўлда ташкил қилинган бу цех ишлаб чиқариш қувватига келсак, бу ерда бир кеча-кундузда 3 тонна атрофида юқори калорияли гранула ишлаб чиқариш мумкин, — дейди лойиҳа ташаббускори Рустам

билан айтганда, озукани нишхўрдга чиқмайди, қорамол организмидан тез ҳазм бўлади.

Виллоят раҳбари лойиҳа амалиётига юқори баҳо берди. Келгусида бу тажрибани оммалаштириш ва маҳсулдорлигини ошириш бозорларимизда чорва маҳсулотларини кўпайтириш, улар нархини пасайтириш, чорва тармоғида озукани етиштириш учун экин майдонлари етишмовчилиги муаммосини бартараф этиш баробарида, кўшимча иш жойлари яратиш имконини беришни таъкидлади.

Маълумот учун: бу самарали усул республикада биринчилар қаторида Қоровулбозор туманидаги “Вухоро Agrocluster Chorva” МЧЖда муваффақиятли тажрибадан ўтган. Қиймати 672 миллион сўмга тенг бўлган ушбу лойиҳа “Agrikom” компанияси томонидан ишлаб чиқилган технология билан жиҳозланган. Мазкур лойиҳанинг афзаллиги томони шундаки, чорва молларининг омикта емага бўлган талабини тўлиқ қоплайди. Харажатларнинг 3 баробарга қамайишига хизмат қилади.

Зариф КОМИЛОВ,
ЎЗА муҳбири

Ватаннинг улуғвор тимсоли



Кўҳна ва боқий Бухорода миллий юксалиш мужас-сат бўлган улуғвор Ватан тимсоли — мустақил Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи қабул қилинганлигининг 32 йиллиги кенг нишонланди.

Дастлаб Абу Али ибн Сино номидаги Фавворалар майдонида ўрнатилган улкан байроқ олдида тантанали тадбир ташкил қилинди. Унда виллоят ҳокими Ботир Зарипов, виллоят секторлари раҳбарлари, виллоят ҳокими ўринбосарлари, уч минг нафардан ортиқ ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда сўз олган виллоят раҳбари Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинганлигининг 32 йиллиги билан барчани табриклади.

Таъкидланганидек, муқаддас туғимиз энг олий саҳналар, энг юқори марраларда, жаҳон



ареналарида, нуфузли спорт мусобақаларида баланд кўтарилиб, Янги Ўзбекистоннинг чинакам бўй-бабини намойён этаётгани барчада гурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради.

Шундан сўнг Миллий гвардия, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти, Автомобилохавоскорлар жамияти томонидан автокарвон ташкил қилинди. Давлат байроғи илгинган машиналар шаҳар кўчалари бўйлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган кун виллоятнинг барча шаҳар-туманларида катта тантана қилинди.



ареналарида, нуфузли спорт мусобақаларида баланд кўтарилиб, Янги Ўзбекистоннинг чинакам бўй-бабини намойён этаётгани барчада гурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради.

Шундан сўнг Миллий гвардия, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти, Автомобилохавоскорлар жамияти томонидан автокарвон ташкил қилинди. Давлат байроғи илгинган машиналар шаҳар кўчалари бўйлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган кун виллоятнинг барча шаҳар-туманларида катта тантана қилинди.



“Янги нафас” Бухорода ҳам кўтаринки руҳда ўтди

Муҳим саналарни нишонлашга бағишланган оммавий мусобақаларнинг ўтказилиши, сўнгги йилларга хос бўлган, республиканинг минглаб фуқароларини бирлаштирувчи муҳим тадбирлар кўпаймоқда. Худди шундай, “Янги нафас” оммавий югуриш янги йилида бир вақтда, бир хил масофада республикамизнинг барча нукталарида ўтказилиши ҳам аниқлана бошлади.

Мазкур тадбир 19 ноябрь кунини юртимизнинг барча бўлиқларида бир вақтнинг ўзида ташкил қилинди. Жумладан, Бухоро шаҳри ва Қоровулбозор туманида ҳам Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган кун ҳамда Конституция кунига бағишланган “Экиден” халқаро оммавий югуриш мусобақалари бўлиб ўтди.

“Бир ватанда, бир вақтда, бир масофага, бир мақсадда — бирга югурамиз!” шиори остида ташкил этилган югуриш мусобақаси фуқаролар, айниқса, ёшлар қалбида мамлакат байроғига ҳурмат, ватанпарварлик туйғуларини янада жўш урдириш, қолаверса, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган муҳим тадбирлардан биридир.

Марафон Бухоро шаҳридаги “Ситора” болалар боғи ёнидан старт олди. Мусобақа стартда сўз олган Бухоро виллоятини ҳокими Ботир Зарипов йиғилганларни миллий юксалиш рамзи ва улуғвор Ватанимиз тимсоли бўлган Ўзбекистон Рес-



публикаси давлат байроғи қабул қилинганлигининг 32 йиллиги билан кутлади. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлатимиз раҳбари эътиборидаги асосий масалалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, спортнинг инсон ҳаёти ва саломатлигида тутган ўрни ва роли хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси давлат маҳияси янгради. Шундан сўнг, 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган 6 мингдан зиёд иштирокчилар — бўлиқ ўқув юртлари талабаларидан тортиб умумтаълим ва спорт мактабларининг ўқувчилари, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаолларидан фахрийларгача уч километрик масофа бўйлаб, гоилик ва саломатлик учун бир-

га югуришди.

Марафонни ташкил этишда виллоят ҳокимлиги, виллоят ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаси, виллоят маданият бошқармаси, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти мутасаддилари жонбозлик кўрсатди.

Шаҳристон майдонида гоилиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими ташкил этилди. Концерт дастури билан бошланган тадбир ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмали чиқишлари билан давом этди.

Якуний натижаларга кўра, аёллар ўртасидаги беллашувларда Диёра Бозорова биринчи, Райҳона Рўзиева иккинчи ҳамда Моҳиғул Хайдарова фахрли учинчи ўринни эгаллади. Эркалар ўртасидаги баҳсларда Шаҳриёр Бозоров гоиликни кўлга киритган бўлса, Мадийр Аслонов иккинчи, Озодбек Саидов учинчи ўринга эга чиқди. Шунингдек, мусобақада “Энг ёш иштирокчи” номинациясида Абурак Усмонов, “Энг ёш улуғ иштирокчи” йўналишида эса Раҳмон Рамазонов гоиликни кўлга киритишди.

Гоилиб ва совриндор иштирокчиларга мутасаддилар томонидан медаль, диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Учкун ТОЖИБЕВ,
“Бухоронома” муҳбири

Тоҳир ИСТАТОВ олган суратлар

Қоровулбозорда “Омбудсман мактаби” лойиҳаси

“Омбудсман мактаби” лойиҳаси доирасидаги навбатдаги тадбир Бухоро вилояти, Қоровулбозор туманида ўтказилди. Унда Имом Бухорий, “Тинчлик” ва “Чўлқувар” маҳалла фуқаролар йиғинларидан аҳоли вакиллари қатнашди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Назир Собиров ва бошқа масъул идоралар вакиллари иштирокчиларни “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг мазмун-моҳияти, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, экология ва атроф муҳит муҳофазаси ҳамда бепул юридик хизмат кўрсатиш борасидаги ислохотлар билан таништирди.

Шу билан биргаликда, ушбу ҳудудлардан омбудсманга юборилган муурожаатларда кўтарилган масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 сентябрдаги “Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кўра, омбудсманнинг устувор вазифаларидан бири сифатида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар маз-

мун-моҳияти билан аҳолини таништириш, шу орқали аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашиш белгиланган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, омбудсманнинг минтақавий вакили Абира Хусейнова. — Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўз фаолиятида аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки, омбудсманга юборилаётган муурожаатлар таҳлили сўнгги йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, яшаш шароитларини яхшилаш борасидаги ислохотлардан хабардор этиш зарурлигини кў-

сатмоқда. Шунинг учун 2022 йилдан эътиборан республиканинг чекка ҳудудларида маҳаллалар бўйича фуқароларга яратилган имконият ва имтиёزلардан аҳоли хабардорлигини оширишга қаратилган “Омбудсман мактаби” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида Омбудсман минтақавий вакилининг фуқаролар қабули ҳам ташкил этилди.

Шунингдек, тадбир якунида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш акцияси ҳам бўлиб ўтди.

Зариф КОМИЛОВ,
ЎЗА мухбири

Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

Бир вужудда қирқта ташвишни ортган аёл қавми оила, рўзгор, фарзандлари ташвишдан ортиб, ҳамма вақт ҳам соғлиғига эътибор беравермайди. Республика Оила ва хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг Бухоро вилоятида жойлашган Когон ва Газли Магистрал газ қувурлари бошқармаларида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг саломатлигига эътибор қаратиш ва тиклаш учун тор доирадаги мутахассислар ва умумий амалиёт шиқорлари ёрдамида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил қилинди. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуриламал вазифасини ўтади.

Йирик корхона хотин-қизлари тиббий кўрик ва сайёр қабулда

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан юборилган шиқорлар томонидан Газли Магистрал газ қувурлари бошқармасида ишловчи аёллар бепул тиббий кўриқдан ўтдилар.

Газли Магистрал газ қувурлари бошқармаси тизимида бугунги кунга келиб эркалар билан елкама-елка, бир сафда 147 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Чўл ҳудудида ишлашнинг машаққатли жиҳатлари кўп, албатта. Ўз саломатлигига бефарқ бўлмай, тиббий кўриқдан ўтганларга тор доирадаги мутахассислар томонидан зарур тавсиялар берилиб, танасида қайсидир касаллик аломатлари бўлганларга муолажалар тайинланиб, даво-ланишлари учун имконият яратилди.

Шунингдек, Когон Магистрал газ қувурлари бошқармасида ишлаётган хотин-қизлар ҳам бепул тиббий кўриқдан ўтиб, бундай эътибордан мамнун бўдилар. Шу куни хотин-қиз-



лар билан сайёр қабул ҳам ташкил этилди. Унда уларнинг саломатлиги билан бирга, ишда ва турмуш тарзида дуч келаётган ташвиш-муаммоларига қулоқ тутилди.

Гулмира Абдуллаева, Хонзода Яхшимуродова ва бошқаларнинг саволларига “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти хотин-қизлар кенгаши раиси Лола Шарипова, Газли Магистрал газ қувурлари бошқармаси бошлиғи Шухрат Ҳайдаров, туман ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси мутахассиси Гулрух Солиева, “Ромитаннома” газетаси муҳаррири Махфират Атоевалар атрофлича жавоб бердилар.

Шу куни мазкур тармоқларда меҳ-

нат фаолиятини юритаётган бир гуруҳ фаол аёллар вилоят ҳокимлиги оила ва хотин-қизлар бошқармасининг ташакурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Бугун жамоамиз хотин-қизлари учун чинакам байрамона тадбир бўлди. Улар кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликдан мамнун эканликлари биз учун ҳам аини муддао, — дейди Газли Магистрал газ қувурлари бошқармаси хотин-қизлар кенгаши раиси Замирахон Амонова. — Бу миннатдорлиқни улар нигоҳларида яққол кўриш мумкин.

Мукофотланганлар орасида Нафиса Камолова, Ирина Галауддинова, Лилия Диникева ва бошқалар — жамоанинг катта тажрибага эга фаоллари. Меҳнат жамоалари эса улар билан ҳар қанча фахр-ифтихор қилса арзийди.

Учқун ТОЖИЕВ,
“Бухоронома” мухбири

Туризм соҳасида ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда



“Ўзэкспомарказ” марказий кўргазмалар мажмуида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ички ва ташқи туризмни ривожлантириш ва бу борада ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган “Йипак йўлида туризм” 28-Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида ўтказилган ушбу тадбирда Евроосиё Тоғ курортлари иттифоқи тақдироти бўлиб ўтди. Жорий йилнинг июнь ойида Ўзбекистондаги “Амурсой”, Россиядаги “Роза Хутор” ва Қозоғистондаги “Шимбулок” дам олиш масканларини бирлаштирган Иттифок вакиллари янги бирлашманинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб берди ва киш масъумида амалга оширилиши режалаштирилган ҳамкорликдаги муайян тадбирларни тақдим этди.

Тақдиротда 2024 йил март ойида Сочидagi “Роза Хутор” курортда бўлиб ўтган кенг қўламли Тоғ курортлари фестивали ҳақида эълон қилинди. Шунингдек, Иттифок вакиллари давлатлараро сайёҳлик йўналишини яраттиш, ҳар учта курортда фойдаланиш учун ягона скипаслар татбиқ қилиш, тоғ курортлари учун ходимларни ҳамкорликда тайёрлаш режалари ҳақида сўзлаб берди. Шу билан бирга, кўргазма даво-

зарблиги ва аҳамиятини намойиш этади. Ишончим комилки, Иттифок халқаро туризмни ривожлантиришга қаратилган янги гоялар ва лойиҳаларни яратиш, шунингдек, хавфсиз, “яшил” ва ҳамёнбоп туризмни ривожлантириш учун муҳим ва манфаатли платформага айланади.

— 2023 йил давомида мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлар оқимининг барқарор ўсиши халқаро ҳамкорлик муваффақият гарови эканини яна бир бор тасдиқлайди. Бугунга келиб тўртта курорт томонидан ривожлантирилаётган Евроосиё Иттифоқи кейинги ўн йилликда ва узоқ муддатли истиқболда Евроосиё китъасида тоғ туризми барқарор ривожланиши учун стратегик имкониятлар яратаяди, — деди “Роза Хутор” курорти бош директорининг Халқаро алоқалар ва туризм бўйича ўринбосари Сергей Хворостяной.

Шунингдек, тадбирда “Шимбулок” тоғ курорти бош директори Ринат Абдрахмонов, ИТКИ котиби Андрей Кукушкин ва бошқалар сайёҳлик салоҳиятини ошириш борасида ўз фикрини билдириб ўтди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири

Ота-боболаримиздан мерос бўлган курашнинг халқаро спорт тури мақомига кўтарилиши натижасида Ўзбекистон сўзлар жаҳон спорт терминологиясидан жой олди.

Дунё курашчилари Ўзбекистонда беллашади

Бугун дунё миқёсида ўтказилаётган кураш турнирларида, чемпионатларида давлатимиз байроғидан жоло олган яқтакларда спортчиларнинг беллашиши, “халол”, “тўхта”, “чала”, “ёнбош”, “гилам”, “танбеҳ” каби сўзларнинг халқаро спорт майдонларида жаранглаши оdat тусига кирдики, бу Янги Ўзбекистоннинг янги муваффақиятини ёрқинроқ ифода этмоқда. Ўтаётган йил давомида давлатимизнинг қўллаб-қувватлаши билан Халқаро кураш ассоциацияси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун “World Series Pro” ва “World Series Masters” турнирларининг йўлга қўйилгани курашнинг халқаро ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

Айтиш лозим, кураш бўйича йил давомида китъавий чемпионатлар сўнгига “World Series Pro” турнири учун эркалар 66, 81, 90 килограмм ва аёллар 57, 70 килограмм мутлақ вазн тоифаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун гиламга чиққани аҳамиятли бўлди.

Халқаро кураш ассоциацияси тақвим режасига асосан апрель ойида Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида Осиё китъаси, июль ойида Мисрнинг Қоҳира шаҳрида Африка китъаси, августда Доминикан Республикасининг Санто-Доминго шаҳрида Пан-Америка китъаси ва

октябрь ойида Грециянинг Салоники шаҳрида Европа китъаси саралаш босқичлари ўз гоилиларини аниқлади.

Мусобақа низомига кўра, ҳар бир китъавий босқичда 1- ва 2-

тирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

— Ўтказилган китъавий саралаш турнирларида муваффақиятли иштирок этиб, совриндор бўлган курашчилар жорий



ўринни қўлга киритган спортчилар мусобақанинг финал босқичи ҳисобланган “World Series Masters” турнирида иш-

йилнинг 22 ноябрь куни Тошкентда “World Series Masters” финалида гиламга чиқади. Аини кунларда ушбу нуфузли мусобақани ўтказиш борасида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси ва Ўзбекистон кураш федерациялари томонидан қизгин ҳозирлик ишлари олиб борилмоқда. Мусобақалар пойтахтимиздаги “Ал-помийш” спорт саройида ўтказилади, — дейди Ўзбекистон кураш федерацияси бош котиби Алишер Эшонкулов.

Тўлқин РЎЗИЕВ,
ЎЗА мухбири

Ватан жасоратга чорлайди

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, ўзгариш ва янгиликлардан, ҳеч бир соҳа йўқки, четда қолган бўлса. Бу ислохотларнинг барчаси ягона мақсадга, яъни инсон кадрини улуглаш, унинг шаънини юксалтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бу каби ислохотлар мамлакат мудофаа қудрати, жумладан, Давлат хавфсизлиги хизмати Чегара қўшинларига ҳам бевосита дахлдор, албатта. Бугун чегарамиз посбонлари, тинчлигимиз ва осойишталигимиз ҳимоячилари бўлган ҳарбийлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Ҳарбий хизматчиларга яратилаётган шароит ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, тизим фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, ҳарбий қисмларда соғлом муҳит ва хизматчиларнинг бир-бирига бўлган ҳурматини ошириш бўйича эътиборли ишлар амалга ошириляпти.

Замонавий автоматлаштирилган чегара назорати тизимлари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шунингдек, Чегара қўшинлари бўлиналари куч ишлатар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро уйғун ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларини профессионал тайёрлаш сифатини



ошириш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, тактик ўқувларини ўтказиш ҳамда шахсий таркибининг жанговор тайёргарлигини кучайтиришга қаратилган энг илгор шароитлар яратилган.

Шу ўринда, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун яратилаётган шароитларни ҳам таъкидлаб ўтиш зарур.

Жумладан, замонавий, барча қулайликларга эга уйлар Ватанимиз ҳимоячилари учун қуриб топширилмоқда. Аҳамиятлиси, улар шарафли вазифаларини бажаришлари давомида кўзлари ортада қолмаслиги учун янги уйлар комплекс тарзда қуриляпти. Кенг, ёруғ ва шинам уй-joyлар уларнинг касб вазифаларини сидқидилдан адо этишлариға омил бўлмоқда. Бундан ташқари, ҳарбийларнинг фарзандлари учун замонавий ўйин майдончалари ҳамда болаларлар учун мактабгача таълим ташкилотлари янги уй-joyларға қулай ҳудудларда барпо этилаётгани кувонарли, албатта.

Бинобарин, ҳарбий хизматчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, тинчлигимизга раҳна солишга бўлган ҳар қандай уринишининг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Ўз навбатида, ҳарбий хизматчиларимиз бу шароит ва имкониятларға жанговор тайёргарликлари, давлат чегараларини қўриқлаш ва халқ тинчлигини таъминлашда тунни тонгға улаб, ҳамisha сергак туриб, Ватан тупрогини кўз қорачиғидек асраш орқали муносиб жавоб қайтаришлари табиий.

Элбек НОРТАЖИЕВ,
ДХХ Чегара қўшинлари
ҳарбий хизматчиси

Аҳолини рўйхатга олиш: Махфийлик ва хавфсизлик тамойиллари

Рўйхатга олиш доирасида ҳар бир шахс ва мамлакатнинг ҳар бир уй ҳўжалиги тўғрисида маълумот тўпланади. Бироқ бу жараёнда аҳолининг шахсий дахлсизлиги сақлаб қолинади.

Аҳолини рўйхатга олишнинг мақсади жамият ва аҳоли гуруҳлари ҳақидаги статистик маълумотларни ишлаб чиқишдан иборат. Шу асосда жамоатчилик шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги сақланишига ишонч ҳосил қилиши керак.

Махфийлик талаби рўйхатга олиш жараёнида тўлдирилган варақаларни ҳимоя қилиш ва уларни қайта ишлаш, яқуний материаллар ва нашрларда мавжуд бўлган маълумотларни ҳимоя қилишни назарда тутайди.

Жамоатчилик томонидан тақдим этилган маълумотларни қайта ишлаш жараёнида рўйхатга олиш органлари ҳодимлари ва улар томонидан рўйхатга олиш ишлари ўтказишда иштирок этиш мақсадида ёлланган барча шахслар махфийлик тамойилларига тўла риоя қилишлари керак. Қўлгина мамлакатларда бундай ахборотни ҳимоя қилишни таъминлайдиган ички қонунлар, ҳусусан, рўйхатга олиш қўнунчилиги ёки маълумотларни ҳимоя қилиш ва ахборот эркинчилиги билан боғлиқ умумий Қўнунчилик мавжуд.

Рўйхатга олиш саволнома варақаларида эълон қилинган маълумотлар билан ишлашда қуйидаги қўшимча тамойилларга риоя қилиш керак:

а) шахсга доир рўйхатга олиш маълумотларига кириш рухсати фақат рўйхатга олиш органларига бўйсунадиган ёки уларнинг номидан ишлайдиган шахсларга берилиши керак;

б) тўлдирилган сўровнома-лар жамоатчилигининг бошқа аъзолари томонидан уларга киришни истисно қиладиган тарзда тўпланиши ёки қайтарилиши зарур. Бундан ташқари, уй ҳўжаликлари аъзолари, агар хоҳласалар, шахсга доир маълумотларни алоҳида

рўйхатга олиш варақасида уй ҳўжалигининг бошқа аъзолари ёки ташкилотнинг бошқа аъзолари ёки рўйхатга олувчи учун яширин тарзда тақдим этишлари мумкин;

в) рўйхатга олиш органларига хизмат кўрсатадиган барча ташкилотлар ва ташқи агентлар қатъий кўрсатмаларни ва махфийликка риоя қилиш бўйича ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммаларига олишлари керак. Улар ҳар қандай қонунбузарлик ҳолатларида таъқиб қилиниши ҳақида огоҳлантирилиши даркор;

г) зарурат туғилганда, шахсга доир маълумотни ўз ичига олган рўйхатга олиш ҳўжатлари рўйхатга олиш органлари, рўйхатга олувчи ҳодимлар ва ваколатли бошқа ҳодимларда бўлган вақтда мустақил равишда текширилиши керак;

д) аҳолини рўйхатга олиш маълумотларини қайта ишлаш учун ишлатиладиган компьютерлар ахборотга рухсатсиз киришнинг олдини олувчи ишончли ҳимоя тизими билан таъминланган бўлиши керак;

е) аҳолини рўйхатга олиш материалларига асосланган статистика нашр этилганда, шахслар ва уй ҳўжаликлари-нинг идентификациялашга оид маълумотларни ошкор этмаслик учун барча мумкин бўлган чораларни кўриш зарур. Кичик ҳудудлар бўйича статистик материалларга нисбатан махсус эҳтиёт чораларини кўриш лозим.

Жадвал маълумотларига асосланган идентификациянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қуйидаги тартибларни ўз ичига олади:

а) жадвалларни тайёрлашдан олдин танланма ёзувларни шакллантириш орқали ягона ёзувлар маълумотларини қайта тузиш, олдиндан белгиланган ўзгарувчилар тўпламига асосланган маълумотлардаги тасодифларни топиш ва мос ёзувлар орасидаги барча ёки бошқа ўзгарувчиларни қайта жойлаштириш;

б) чиқиши мумкин бўлган тоифалар сонини кечлаш, ма-

салан, фақат ёш қийматлари эмас, балки, айниқса, катта ёшдагилар учун (бу глобал транскодлаш деб аталади) жами ёш гуруҳларидан фойдаланиш;

в) шахслар ёки уй ҳўжаликлари сони айрим ҳудудлар доирасида белгиланган чегара даражасига етмаса, яқуний маълумотлар олиб ташланиб (маҳаллий босим деб аталади), уларни қўшни, жуда катта ҳудуд кўрсаткичлари билан умумлаштириш (асосий аҳоли сони кўрсаткичлари бундан мустасно);

г) рақамларни юқорига ёки пастга олдиндан белгиланган яхлитлаш базасининг энг яқин тўпламига (анъанавий яхлитлаш) яхлитлаш орқали тайёрланган жадваллардаги маълумотларни "тўғрилаш".

Рўйхатга олишнинг микро маълумотлари (масалан, сўровлар асосида шаклландиган ёки кенг оммага эълон қилиш учун мўлжалланган файллар) нашр этилган тақдирда, исм, манзил ва индивидуал респондентларнинг идентификациясини таъминлайдиган барча маълумотлар олиб ташланиши зарур. Бундан ташқари, маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш учун глобал транскодлаш ва маҳаллий микрокодлаштириш усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги таъминлаш 2020 йил 16 мартдаги "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги 611-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонунида қатъий принцип сифатида белгиланган. Унга мувофиқ, аҳолини рўйхатга олишнинг маълумотлари махфий бўлиб, респондентнинг розилигисиз ошкор этилмайди ва тарқатилмайди. Бу жараёнда юқорида қайд этилган тамойиллардан ҳам кенг фойдаланилади.

Вилоят статистика бошқармаси аҳолини рўйхатга олиш бўлими бошлиғи Ҳусен ФАТТОВ тайёрлади

Ёнғин хавфсизлиги ойлиғи

Олов тилсиз ёв дейдилар. Озгина эътиборсизлик ҳам ёнғинга сабаб бўлиши мумкин. Оқибати шуки, бунда фуқароларнинг мол-мулкига талафот етади, корхона ва ташкилотлар ҳамда муассасалар катта моддий зарар кўради. Ҳаттоки, инсон ҳаётига завоёт етиши ҳам кузатиляпти. Бу каби ҳалокатларнинг олдини олиш мақсадида бошқарма-миз ҳудудий бўлинмалари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида вилоят иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда уй-жой фондида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қатор тизимли ишлар амалга оширилди.



Ҳушёр бўлган панд емайди

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, ана шундай тадбирлар доирасида туман ва шаҳарларимизда рўйхатга олинган 19 минг 595 та объектнинг 2 минг 365 тасида режали текширишлар, 192 та тадбиркорлик субъектига тегишли объектларда ёнғин-профилактика кўриклари ўтказилди. Яқка тартибдаги уй-жойлардан 98 минг 976 тасининг, кўп квартиралардан 1 минг 621 тасининг, улардаги 40 минг 584 та хонадоннинг ёнғинга қарши ҳолати текширилди. Кўнгилсиз ҳолатларга қарши хавфсизлик қоидаларини тарғиб қилиш бўйича жами 992 минг 499 нафар фуқаро билан суҳбат ўтказилиб, йўл-йўриқлар берилди.

Булар ўз самарасини беряпти, албатта. Ҳусусан, айрим ҳудудларда кўнгилсиз ҳолатлар кам учраяпти.

Бироқ таҳлиллар кўрсатмоқдаки, жойларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳудудий комиссиялар томонидан иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари, айниқса, уй-жой фондида ёнғинларнинг олдини олиш масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаётгани йўқ.

Уларнинг оқибати жуда аянчли. Жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида вилоят ҳудудларида жами 702 та ёнғин содир бўлди. Уларнинг 94,5 фоизи аҳоли турар жойларида юз берган. Умуман, барча ёнғинлар оқибатида кўрилган моддий зарар миқдори 9 миллиард 314 миллион сўмдан ошди. 7 нафар фуқаро турли даражадаги қуйиш тан жароҳати олиб касалхонага ётқизилган. Янада ачинарлиси, ёнғин 12 нафар фуқаронинг умрига зомин бўлди.

Энг катта ёнғин жорий йил 1 август

куни соат 2:05 да Бухоро шаҳрининг Ибн Сино кўчаси йўли ёқасида жойлашган, халқ ўртасида "эски ПМК" савдо мажмуаси, дея аталадиган икки қаватли савдо дўконлари ҳудудида юз берди. Бу ерга етиб борган вилоят гарнизонидан 11 та ёнғин-қутқарув экипажи ҳамда 7 та ҳамкорликдаги хизматларнинг техникалари кўнгилсиз ҳолатни бартараф этиш ва унинг қамров доираси кенгайиб кетиши олдини олишнинг чораларини кўрди. Аммо ёнғин оқибатида жами 23 та савдо дўкони ва улардаги товар моддий бойликлари ҳамда жихозлари ёнган. Хайриятки, инсонларнинг ҳалок бўлиш ва тан жароҳати олиш ҳолатлари қайд этилмади.

Бу каби ҳолатларнинг 269 таси электр ускуналари носозлиги ва улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши оқибатида келиб чиққан. Шунингдек, 172 та ҳолат фуқароларнинг очик оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиши, 89 таси ёш болаларнинг шўхлик-ўйинқароқлиги, 30 таси транспорт воситаларининг носозлиги билан боғлиқ. Ачинарлиси, 24 та ҳолат қасддан ўт қўйиш натижасида содир бўлган.

Кўп йиллик ўрганишлар куз-қиш мавсумида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика тадбирлари кучайтирилган тарзда амалга оширилмаган тақдирда, кўнгилсиз ҳолатлар сони кескин ортиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

15 ноябрдан 15 декабргача давом этадиган "Ёнғин хавфсизлиги ойлиғи" ана шу муаммолар олдини олишга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Мазкур тадбир муносабати билан вилоят Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш, ви-

лоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, "Hududgaz Buxoro" газ таъминоти филиали, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари" АЖ ҳамда бошқа манфаатдор тизим ва идоралар, шунингдек, туман-шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Улар иштирокида, асосан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхона, ташкилот ва муассасалар технологик жараёнда рўй бериши мумкин бўлган авариялар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай объектларнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган профилактик тадбирларни амалга ошириш, аҳоли хонадонларида, шу жумладан, кўп квартиралар уй-жойлардаги электр, газ ва иссиқлик таъминоти қурилмалари, иситиш қозонлари, дудбўронлар ва шамоллатиш тизимларининг ҳолати техник кўридан ўтказиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

Жараёнда, ишчи гуруҳлар таркибида хонадонма-хонадон юриб аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишларини мунтазам олиб бориш, кўп квартиралар уйлар ва яқка тартибдаги уй-жойлар, шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналари, бозорлар, йирик савдо мажмуалари ҳамда аҳоли кўп тўпландиган бошқа объектларда мавсумий фавқулодда вазиятлар профилактикаси бўйича тадбирларга алоҳида эътибор қаратилади.

Абдураззоқ АБДУХАЛИКОВ, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник

Davlat mulki obyektlaridan samarali foydalanish markazi

Buxoro viloyati hududiy boshqarmasi Buxoro shahridagi quyidagi obyektlar ijaraga berilishini ma'lum qiladi:

Ijaraga beruvchi					
Nomi:		Davlat mulki obyektlaridan samarali foydalanish markazi Buxoro viloyati hududiy boshqarmasi			
Manzili:		Buxoro viloyati, Buxoro shahri, Islom Karimov ko'chasi, 10-uy			
Tel.(faks) raqami:		+998652215309			
Elektron pochta manzili:		buxoromarkaz@davaktiv.uz			
Obyektni berish shartlari					
Moddiy madaniy meros obyektlarini va ularga tutash hududlarini ularni obodonlashtirish va zarur holatda saqlash bo'yicha investitsiya majburiyatlari olgan holda ijaraga berish					
1-obyekt	Mehmonxona, hunarmandchilik, madaniyat va san'at, savdo, ofis, umumiy ovqatlanish shoxobchasi.				
2-obyekt	Mehmonxona, hunarmandchilik, madaniyat va san'at, savdo, ofis, umumiy ovqatlanish shoxobchasi.				
3-obyekt	Mehmonxona, hunarmandchilik, madaniyat va san'at, savdo, ofis, umumiy ovqatlanish shoxobchasi.				
4-obyekt	Hunarmandchilik, madaniyat va san'at, savdo, ofis, umumiy ovqatlanish shoxobchasi.				
5-obyekt	Umumiy ovqatlanish va jonli ijrodagi tadbirlarni o'tkazish.				
Ijara obyekt to'g'risidagi ma'lumotlar					
Nomi	Manzili	Balansda saqlovchi tashkilot nomi	Obyektning umumiy maydoni kv.m	Bino-inshoot maydoni kv.m	Hozirgi kundagi holati
1-obyekt Qadimiy hovli	Buxoro shahri, Imom Buxoriy MFY, Amiriy ko'chasi, 14-uy	Buxoro viloyati madaniy meros boshqarmasi	647	514	Ta'mirtalab
2-obyekt Qadimiy hovli	Buxoro shahri, Saodat ko'chasi, 7-uy	Buxoro viloyati madaniy meros boshqarmasi	770,33	600	Ta'mirtalab
3-obyekt Qadimiy hovli	Buxoro shahri, Jalol Ikromiy MFY, Xo'ja Bulg'or ko'chasi, 21-uy	Buxoro viloyati madaniy meros boshqarmasi	790	550	Ta'mirtalab
4-obyekt Binolar majmuyi	Buxoro shahri, Bahouddin Naqshband ko'chasi, 256-uy	Buxoro viloyati madaniy meros boshqarmasi	400	377	Ta'mirtalab

5-obyekt Nodir devonbegi madrasasi (Labi hovuz majmuasi) hovli qismi va 3 ta hujra	Buxoro shahri, Jalol Ikromiy MFY, Mehtar Ambar ko'chasi	Buxoro viloyati madaniy meros boshqarmasi	1712,14	391,3	Ta' mirtalab
Restavratsiya-tiklash ishlarini olib borish, uni saqlash, obodonlashtirish va undan foydalanish shartlari					
1-obyekt	Madaniy meros obyektiga tasdiqlangan loyiha-smeta hujjatlari asosida maxsus litsenziyaga ega loyiha va pudrat tashkilotlarini jalb qilgan holda restavratsiya va asrashga doir konservatsiya hamda obodonlashtirish ishlarini olib borish lozim.				
2-obyekt					
3-obyekt					
4-obyekt					
5-obyekt					
Moddiy madaniy meros obyektlari davlat kadastriga kiritilgan kadastr axboroti					
1-ob'yekt	20:12:01:07:01:0162:0001 kadastr raqami bilan davlat ro'yxatidan o'tgan				
2-ob'yekt	20:12:01:10:01:1043 kadastr raqami bilan ro'yxatdan o'tgan				
3-ob'yekt	20:12:01:09:01:0981 kadastr raqami bilan davlat ro'yxatidan o'tgan				
4-ob'yekt	20:12:01:24:01 kadastr raqami bilan ro'yxatdan o'tgan				
5-ob'yekt	20:12:01:07:02:01:26:0001 kadastr raqami bilan davlat ro'yxatidan o'tgan				
Investitsiya majburiyatlarining eng kam miqdorlari			Obyektni ijaraga olish muddati		
1-obyekt	4,8 mlrd. so'm		1-obyekt	30 yil	
2-obyekt	4,0 mlrd. so'm		2-obyekt	30 yil	
3-obyekt	2,8 mlrd. so'm		3-obyekt	30 yil	
4-obyekt	3,0 mlrd. so'm		4-obyekt	30 yil	
5-obyekt	2,5 mlrd. so'm		5-obyekt	30 yil	
Eslatma: O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2014-yil 6-martdagi 53-sonli qaroriga asosan, ro'yxatlar ommaviy axborot vositalarida e'lon qilingan kundan boshlab, bir oy (30 kun) mobaynida talabgorlardan tanlovda qatnashish uchun buyurtmalari qabul qilinadi. Belgilangan muddat tugaganidan so'ng, talabgorlardan tanlovda qatnashish uchun buyurtmalari qabul qilinmaydi.					

Кашфиётчи ўлкашунослар ёхуд Бухоро қозихона маҳкамаси қангай сақлаб қолинди?



бардор бўлганлар ҳам ўқий олмаган. Бу топилма туман партия комитети секретари (ҳозирги мақомда туман ҳокими) Абдулхамид Пўлотийга етиб борганда, қадимий буюмларга қизиқувчи бу шахс унинг ноёб топилма эканини ва тарихий қимматини тезда баҳолай олди. Шу инсон ташаббуси билан номаълум ёзуви бу ҳужжат ленинградлик сугдшунос олим А.Фрейман диққатига ҳавола этилади. А.Фрейман ҳужжатнинг сугд ёзуви намунаси эканини аниқлади ва бу топилмани сугдшуносликдаги катта кашфиёт сифатида баҳолади. Шу сугдшунос олим тавсияси билан Жўра Али томонидан топилган ҳужжат жойи, унга яқин атроф ҳудудлар қўшимча тадқиқ қилинди. Натижада катта миқдордаги сугд ҳужжатлари топилди. Араблар исти- лосидан олдинги давр ижтимоий- иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий муносабатлар тарихини акс эттирувчи бу ўта нодир сугд ҳужжатларининг илмий қиммати ҳанузгача сўнган эмас. Улар устида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Шунингдек, Бухоро воҳасидаги қадимий археологик ёдгорлик — Варахшанинг қаерда жойлашгани, координатлари узоқ йиллар номаълум бўлиб келди. В.Шинкин ушбу ёдгорлиқни чўпонлар ўртасида юрган оғзаки маълумотларга таяниб топганлигини ҳамма ҳам билмайди. Бу кашфиётда ҳам қайсидир маҳаллий информаторнинг хизматлари борлиги шубҳасиз.

Академик Яхё Фуломов Бухоро воҳасида археологик тадқиқотлар олиб бораётган пайтда унга Наршахиянинг “Бухоро тарихи” китобида келтирилган Жўйи мўлийен саройи қаерда жойлашганини айтган, сақланмаган бу ёдгорлиқнинг тарихий ўрни ҳозирги қайси ҳудудга тўғри келиши тўғрисида маълумот берган киши — бухоролик тарихчи-ўлкашунос Нарзулла Йўлдошев бўлади.

1983 йилда Жондор каналининг Бухоро тумани ҳудудидан ўтаётган қисми қазиланган пайтда бухоролик икки ўлкашунос — Еникеев (расом) ва Миллер (ўрта мактаб ўқитувчиси) 50 донга Грек-бактрия тангаларини топиб олишди. Топилманинг барчасини келишилган нархларда Бухоро музейига топширишди. Ушбу тангалар коллекцияси Бухорода пул муомалалари тарихини ўрганиш учун қимматли манба бўлиш билан бирга, воҳа тарихининг янги қирралари, жумладан, сугд Бухоросининг иқтисодий алоқалари, Грек-бактрия давлатининг таъсир доиралари тўғри-

Тарих соҳасида яратилган янгиликлар, асрлар давомида номаълум бўлиб келган археологик ёдгорликларнинг очилиши, тарихий-маданий аҳамиятга молик кўл-ёзмаларнинг топилиши ва ҳоказолар, одатда, олимлар номи билан боғланади. Бу, шубҳасиз тўғри. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор.

Шу кашфиётларга қалит бўлган, ёдгорликлар тўғрисидаги илк маълумотларни профессионал изланувчиларга тақдим этган фидойи инсонлар, ўлкашунослар ҳам бўлганки, улар номи аксар ҳолларда эсланмайди, ёки хизматлари сояда қолиб кетади. Масалан, В.Вяткин томонидан Самарқанддаги Улугбек расадхонаси қолдиқларининг топилишида Абу Саид исми ўлкашуносларнинг хизматлари борлигига кўпинча эътибор бермаймиз. У Вяткинни Улугбек расадхонаси қолдиқлари яшириниб ётган Нақши жаҳон тепалигига етаклаб келган эди. Шунингдек, Вяткин Нақши жаҳон тўғрисида халқ орасида юрган кўплаб афсона ва ривоятларни сўзлаб берган, натижада шу оғзаки маълумотлар кейинги кашфиётларга асос бўлиб хизмат қилган.

Ўтган асрнинг 30-йилларида жаҳон илмий жамоатчилиги ўртасида шов-шувларга сабаб бўлган Муғ қалъаси ҳужжатларининг топилиши оддий бир чўпон номи билан боғлиқлиги кўпчилики хайрон қолдирса керак. Аслида ҳам шундай бўлган. Панжикент яқинидаги Муғ тоғи ораларида қўй боқиб юрган Жўра Али исми чўпон 1932 йил баҳорида тасодифан номаълум ёзуви бир варақ шойи қоғоз топиб олади. Қоғоздаги ёзуви ўша пайтда ҳеч ким, ҳатто арабчадан ха-



силаси аслида қуйдагича бўлган. Бундан чамаси 10-12 йил бурун бу аёлга оилавий шароит тақозоси билан иш ўрни алмаштиришга ва мактабгача таълим тизимига ўтишга тўғри келган эди. Бир оз муддат ўтиб Гулсина Зокирова неча йиллар бирга ишлаган жамоадошларини кўриш учун кафедрага келади. Шунда эски шаҳардаги бир болалар боғчасида мудира бўлиб ишлаётганини ва бу боғча эски бинода жойлашганини айтиди. Гап тўғри келиб, боғчанинг тарихий бино эканлигини, бино остидаги кўплаб ертўлалар эса лабиринт шаклида бир-бири билан боғланганини ҳамда ҳибсхона эслатишини таъкидлайди.

Бу маълумотлар кафедра ўқитувчиларида қизиқиш уйғотиб, уларда ушбу тарихий ёдгорлиқни бориб кўриш иштиёқи пайдо бўлади. Лекин тарихий объект билан танишиш анча чўзилиб кетади. Орадан йиллар ўтиб, бир куни Бухоро вилоят телевидениеси ходимлари

билан эски шаҳар кўчалари тўғрисида кўрсатув тайёрлаш мақсадида айланиб юрилганда, тасодифан Гулсина Зокирова ишлаётган ўша боғча олдидаги кўчадан, яъни Минораи Калонга яқин Сиддиқийен масжиди орасидаги гузардан чиқиб қолинади. Буни қарангки, кўча ободонлаштирилган, Гулсина Зокирова эса боғча олдидаги кўчада туриб, ишларни назорат қилаётган экан. Шунда бу аёл ўзи ишлаётган болалар боғчаси ҳудудида ҳам тасвирга олишга арзуи тарихий бино жойлашганини айтиб, тасвирга олиш гуруҳини ичкарига чорлайди. Лекин гуруҳ аъзолари тасвирга оладиган объектлар кўпчилиги ва бошқа сафар келишларини айтиб, ичкарига кирмай ўтиб кетишади. Тарихий объект билан танишиш яна орқага сурилади.

Бир қанча муддат ўтиб, ниҳоят, бу тарихий бино билан танишишга муяссар бўлиди. Гулсина Зокирова ва боғча ходимларидан бир неча чалари ҳамроҳлигида тарихий бино хоналари ва ертўласи кўздан кечирилди. Айниқса, унинг ноода- тий ертўласи кишини ҳайратга соларди. У тузилиши жиҳатдан бошқа

ертўлаларга ўхшамас, ўзига хос жиҳатлари кўп эди. Бу бино шаҳар қозихонаси эмасмикан, деган фикр пайдо бўлди. Шундан сўнг Бухоро шаҳри тарихий топографиясига оид махсус адабиётларга мурожаат қилиниб, Бухоро қозихонаси жойлашган ҳудудни аниқлашга муваффақ бўлинди. Ушбу бинонинг шаҳар қозихонаси эканлигини махсус адабиётларда қайд этилган маълумотлар тасдиқлади.

2018 йил ушбу ёдгорлиқни яна бир бор кузатиш пайтида унинг аҳоли ёмонлашганига гувоҳ бўлинди. Чунки бир пайтлар бу ерда фаолият кўрсатган болалар боғча- дек, ертўлага кўчирилгандан сўнг, бино қаровсиз ҳолга тушиб қолган. Шунда бинони таъмирлаб, Бухоро ҳуқуқ-тартибот тарихи музейига алантириш ва шу йўл билан уни сақлаб қолиш тўғрисида фикр пайдо бўлди. Лекин бу фикр асосида шаклланган таклифи қайси ташкилот диққатига ҳавола қилиш лозимлиги бир оз муаммо эди.

2020 йилги карантин тугаб, ташкилот ва корхоналар доимий иш режимига ўтгач, турли тadbирлар ўтказиш жараёнлари яна жонлана бошлади. Ўша йилнинг декабрь ойи бошларида Бухоро вилояти прокуратураси янги биносида китоблар кўргазмаси ва ўқувчи-ёшлар ўртасида китобхонлиқни тарғиб қилишга бағишланган катта тadbир ўтказилди. Тадбирга Бухоро таълим муассасалари ўқувчи-ёшлари, шунингдек, зиёлиларнинг илгор вакиллари ҳамда таниқли санъаткорлар таклиф қилинди. Булар орасида Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ҳамшахримиз Муҳаммад Рафиқов ҳам бор эди. Тадбир юқори савияда ўтди. Тадбир тугагач, чиқиш қилган меҳмонлар ва прокуратура ходимлари иштирокида бўлиб ўтган

кичик давра суҳбатида Бухорода ўрта асрлар қозихона маҳкамаси борлиги ва уни сақлаб қолиш ҳамда Бухоро ҳуқуқ-тартибот тарихи музейига алантириш юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

Орадан чамаси икки-уч кун ўтиб, вилоят прокуратурасининг жонкуяр ходими ва мутахассислар иштирокида Бухоро амирлиги қозихонаси тарихий биноси кўздан кечирилди ҳамда аҳоли бирмунча ачинарлигига гувоҳ бўлинди. Қозихона ҳудудида совет даврида қурилган айрим бинолар бузилиб, асосий тарихий бинонинг ёнгинасида янги иморат фундаменти ташланган, шунингдек, ертўлага тушадиган эшик типроқ уюмлари билан қўмиб юборилган, асосий тарихий бино эса ярим вайрона ҳолатда эди. Вилоят прокуратурасининг аралашуви билан бу ерда олиб борилаётган қурилиш ишлари тезда тўхтатилди.

2022 йил баҳорида Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчилари, музей ходимлари, тажрибали археологлар Бухоро вилояти прокуратурасига таклиф қилиниб, уларга Бухоро амирлиги қозихонаси тарихини ўрганиш, архивларда қозихона тарихига оид ҳужжатларни қидириб топиш, қозихона ҳудудида археологик тадқиқот ишларини олиб бориш вазифаси топширилди. Шу топшириқлар доирасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Миллий архивига мурожаат қилиниб, шунингдек, Яхё Фуломов номидаги Самарқанд Археология институти етакчи илмий ходими, таниқли археолог олим Ж.Мирзаахмедов бошчилигида ёдгорлик ҳудудида археологик тадқиқотлар олиб борилиб, дастлабки илмий ҳулосалар қўлга киритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жамоат фонди, Бухоро вилояти прокуратураси, Бухоро давлат университети, “Буюк Ипак йўли” Бухоро вилояти маданий-маърифий маркази муассислигида И.Наимов, Ж.Мирзаахмедов, А.Казимов, Ф.Маҳмудовлар томонидан “Бухоро амирлиги қозихона маҳкамаси тарихи (XVIII—XX аср бошлари)” номи 131 бетдан ibорат китоб нашр этилди. Бухоро амирлиги қозихона биносини таъмирлаш ва унинг ҳудудида археологик тадқиқотлар олиб бориш ишлари давом этмоқда.

Хуллас, Гулсина Зокирова ва у сингари шон-шухрат даъвосидан йироқ, эътироф сўрамайдиган, юртини севадиган, ўлкашунос деб аташга муносиб фидойи инсонлар шарофати билан кўплаб нодир кўлэмалар, бетакор артефактлар, моддий маданият ёдгорликлари, шу жумладан, Бухоро амирлиги қозихона маҳкамаси бизгача етиб келди ва ўз тарихий қиёфасини тикламоқда.

Ҳалим Тўраев,
БухДУ профессори, тарих фанлари доктори

Кекса ижодкорга эҳтимом кўрсатилди



Бухоро адабий муҳитида ўз ўрнига эга бўлган ижодкор, “Шухрат” медали совриндори Негмурод Гулиевни вилоят

аҳли болалар шоири, фидойи математика муаллими сифатида яхши билади. “Бир қадм”, “Сеними, шошмай тур”, “Қизиқарли математика”, “Ўзмамас қўймас юрак”, “Математикадан 90 жумбоқ”, “Китобимни бир ўқинг”, “Шукрона қил” номи китоблари аллақачон унинг ижодига бe- фарқ бўлмаган кексаю ёш қаламкашлар, устоз шоғирдлари, муҳлислари китоб жавонларидан жой эгаллаб улгурган.

Ғиждувон туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабид адиб таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган адабий-маърифий тadbирда таниқли шоир-ёзувчилар, Ўзбекистон Ёзувчилар

уюшмаси вилоят бўлими, Маънавият ва маърифат маркази туман бўлини маси жамоалари, маҳаллий қаламкашлар, шоирнинг яқинлари, маданият ва санъат, илм аҳли, туман ҳокимлиги, мактабгача ва мактаб таълими бўлими, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам бўлишди.

Адабий анжуманда дастлаб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, шоир Шодмон Сулаймон вилоятда яшаб ижод қилаётган уюшма аъзолари номидан шоирни табриқлаб, эсдалик совғаларни топширди.

Сўзга чиққанлар унинг ижоди ҳамда инсоний фазилатларини эътироф этишди, тухфалар улашишди. Айниқса, адиб-

га таниқли икки шоир, “Дўстлик” ордени совриндорлари — Азиз Саид ва Зикрилло Негматлар томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожи-

дин Саййиднинг табрик хати, уюшма эсдалик совғалари ҳамда мезбон мактаб кутубхонасига китоблар жамланмаси топширилгани барча учун унутилмас бўлди.



Газетанинг навбатдаги сони, 2023 йил 29 ноябрь чоршанба куни чиқади

Buxoronoma

MUASSISLAR:

Xalq deputatlari Buxoro viloyati Kengashi va viloyat hokimligi

BOSH MUHARRIR

Shodmon SULAYMONOV

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyati hududiy boshqarmasi tomonidan 2007-yil 8-yanvarda 05-019 raqam bilan ro'yxatga olingan. Qo'g'oz bichimi — A-2. Hajmi — 2 tabaq

Gazeta haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi Nashr indeksi 3002

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga “Buxoro viloyat bosmaxonasi” MCHJ mas’ul. Bosmaxona telefoni: 223-25-38.

ISSN 2010-684X



— tijorat materiali

Navbatchi muharrir:
Musahhih:

Gazeta tahririyat kompyuter bo'limida Mohiniso QURBONOVA va Sherzod RO'ZIYEV tomonidan sahifalandi.

R.IBRAGIMOV
S.KARIMOVA

Adadi 650 nusxa
Buyurtma № 990
Topshirish vaqti 20.00
Topshirilgan vaqti 19.00

MANZILIMIZ:

200100. Buxoro shahri, Akademik Ibrohim Mo'minov ko'chasi, 27-uy. Murojaat uchun telefon: (65) 223-38-55

e-mail: buxoronoma@exat.uz